



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## FUNDAMENTALS OF ORGANIZATIONAL, LEGAL AND SOCIAL ACTIVITIES OF ARCHIVES IN UZBEKISTAN

**Mokhira M. Muydinova**

Researcher

Namangan State University

Namangan, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Social management, copies of documents, activity of archives, role of archives, significance of archives, institutional period, development of the state, functioning of archives, history of archives.

**Received:** 10.05.22

**Accepted:** 12.05.22

**Published:** 14.05.22

**Abstract:** This article discusses archival activities as an institution of social management. In addition, the role and importance of archives, their organizational, legal and social foundations in the management of society are highlighted. The author tried to reveal the role of archives in the development of the state. The essence and functioning of archives in society is determined. The article examines the pre-institutional period, the transitional period and the institutional period of archives in social management. The article also discusses the history of the emergence of archives in Central Asia and the storage of documents in these archives.

## ЎЗБЕКИСТОНДА АРХИВЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

*Мохира М. Мудинова*

*Тадқиқотчи*

*Наманган давлат университети*

*Наманган, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Ижтимоий бошқарув, аҳборот учун талаб, ҳужжатлар нусхалари, архивлар фаолияти, архивлар ўрни, давлат ривожланиши, архивларнинг аҳамияти, архивларнинг вазифалари, архивларнинг тарихи.

**Аннотация:** Ушбу мақолада архивларнинг ижтимоий бошқарувда социал институт сифатидаги фаолияти ёритиб берилган. Бундан ташқари архивларни ижтимоий бошқарувдаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий асоалари ёритилган. Муаллиф архивларни давлат ривожланишидаги ролини муҳимлигини очиб беришга ҳаракат қилган. Бундан ташқари мақолада архивларнинг институт сифатида юзага келиш жараёнининг тарихи ҳақида ҳам сўз юритган. Мақолада архивларнинг социал бошқарувда институт сифатида юзага келиши босқичлари, уларнинг фаолияти ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари мақолада Марказий Осиёда архивларнинг вужудга келиш тарихи ҳамда ҳужжатларни сақланиши ҳақида ҳам сўз боради.

## ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЙ И СОЦИАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АРХИВОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Мохира М. Мудинова*

*Исследователь*

*Наманганский государственный университет*

*Наманган, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Социальное управление, копии документов, деятельность архивов, роль архивов, значение архивов, институциональный период, развития государства, функционирования архивов, история архивов.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается архивная деятельность как институт социального управления. Кроме того, освещаются роль и значение архивов их организационно-правовые и социальные основы в управлении обществом. Автор попытался раскрыть роль архивов в развитии государства. Определена сущность и функционирования архивов в обществе. В статье рассматривается доинституциональный период, переходной период и институциональный период архивов в социальном управлении. Также в статье рассматривается история возникновения архивов Центральной Азии и хранения документов в этих архивах.

### КИРИШ

Ўзбекистон ўзининг бой қадимий ўтмиши ва тарихига, маънавий ҳамда моддий меросига эга мамлакатdir. Бизгача мамлакатимиз тарихига доир турли тарихий, моддий ва номоддий ёдгорликлар етиб келган. Уларнинг ичida архивларимизда сақланиб келинаётган ноёб хужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзининг ҳам қадимийлиги ҳам қимматлиги билан ажралиб туради. Чунки бу хужжатларда берилган маълумотлар нафақат қадимийлиги балки юртимиз тарихига доир муҳим манба бўлганлиги учун ҳам ноёб ҳисобланади.

Тарихимизга назар соладиган бўлсақ, энг қадимги давлатчилик шакллангандан бошлаб юртимизда хужжатлар сақланадиган алохида хужжатхоналар яъни архивлар мавжуд бўлган. Тадқиқотларга ва таҳлилларга асосланадиган бўлсақ, архивлар эволюциясини шартли равища учга бўлиб ўрганиш мумкин[4].

Биринчи босқич(милоддан аввалги I мингийилликдан –XIX асрларгача бўлган давр)-садда шаклдаги хужжатхоналар мавжуд бўлган, иккинчи босқич(XIX асрдан 1991 йилгача)- марказлашган давлат архивлари мажуд бўлган ва бошқарилган, учинчи босқич(истиколол даври)- архивлар тизими ва Миллий Архив фонди шакллантирилган.

Архивлар бу мустақил муассасалар, ташкилотлар, корхоналар бўлими бўлиб, хужжатли материалларни, шунингдек муассасалар, жамиятлар ва айrim шахсларнинг иш фаолияти натижасида пайдо бўлган хужжатлар тўпламларини сақлади. Шуни алоҳида айтиш керакки архивлар манбалар тўплами сифатида илмий изланиш мақсадлари хўжаликларнинг давлат бошқарувининг, алоҳида шахсларнинг жамоат ташкилотларининг эҳтиёжларига хизмат қиласи.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Ўзбекистоннинг миллий давлат сифатида ривожланиши ва бозор иқтисодиёти йўлига ўтиши ҳам архив ишларини ривожланишига ҳамда бу соҳада ислоҳотларни олиб боришга имкон яратди. Шўролар даврида хусусий ташкилотлар, корхоналар бўлмаган. Шунинг учун нодавлат архив фонdlари ҳам йуқ эди. Мустақилликдан сўнг эса Ўзбекистон давлат архиви фонди ўрнига Ўзбекистон Миллий архив фонди ташкил қилинди. Ўзбекистонда миллий архивларимизнинг ривожланиш тарихини шартли равиша учга бўлиб, таҳлил қилишимиз мумкин.

Биринчи босқич милоддан аввалги 1 мингйилликдан XIX асрларгача бўлган даврда содда шаклдаги архив хужжатхоналари фаолият кўрсатган.

Иккинчи босқич XIX асрдан 1991 йилгача бўлган даврда марказлашган давлат архивлари ташкил этила бошланган.

Учинчи босқичга истиқлол даври бўлиб бу даврда миллий архивларимиз фонди шаклланиб фаолият кўрсата бошлаган.[4]

Марказий Осиё ҳудудида архив ишининг вужудга келиши ва ривожланиши давлатчилик тарихи, кичик ва катта давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши билан боғлик. Ҳар қандай архивнинг асосида ёзув ётади. Ёзув пайдо бўлиши билан муҳим воқеа – ҳодисаларнинг қандайдир қаттиқ нарсаларга – девор, тош, сопол буюмлар, метал тахтачалар, ёғоч ва ёғоч тахтачаларга қайд қилиб бориш анъаналари пайдо бўлди. Шундай қилиб, муҳим воқеалар хужжатлаштириб борилган ва хужжатларни сақлаш анъанаси пайдо бўлган[5].

Архив иши бу янги даврда пайдо бўлган эмас. Архивлар қадимги даврдан шаклланган. Марказий Осиё минтақасида милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагидан, яъни илк темир давридан бошлаб худудий давлатчилик жараёнлари кириб келган. Манбаларда Хварасмия, Суғуда, Маури (Марғиёна), Бахди (Бақтрия), Сакастана (Сеистон), Хархуша (Арахосия) каби давлатлар уюшмалари ҳақидаги маълумотлар хронологик жиҳатдан мил.ав. VII-VI асрларга таалуқли сиёсий тузилмалар тўғрисида

тасаввур беради.[5]

Тарихдан маълумки, Бухорода IX-XII асрларда Абу Али Ибн Сино фойдаланган архив - кутубхона бўлган[6]. Марказий Осиёда архивлар XI-XII асрларда Хоразм давлатида кейинчалик Олтин Ўрда, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар даврида ҳам мавжуд эди[6].

Губернаторларнинг (хон ва амирлар) шахсий кабинетларида уларнинг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган. Ўша давларда Хива хонлигига ҳамда Бухоро амирлигига бўлгани каби Кўқон хонлигига[7] ҳам девонбеги ёки бошқа мансаблари бўлиб улар асосан хонлик ички ва ташқи ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни сақлашган[7].

XIX аср охирига келиб Ўрта Осиёда алохида архивлар фаолият кўрсата бошлаган. 1870 йилда вилоятларда ихтисослаштирилган идоравий архивлар ижтимоий бошқарув тизимида асосий ўрин эгаллашган.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда барча давлатларда девонхона иш юритиши ва архилантиришиши кенг тарқалган. Жойбор шайхлари архиви, Бухоро амири Қушбеги архиви, Хива хонлигининг Қозилик архиви[6], Туркистон Генерал – губернаторлигининг архиви[8] ва бошқа архивлар архив анъанасининг давомийлигидир.

Собиқ Шўролар даврида архив ташкилотлари республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан тенг ҳуқуқли бўлиб қолди ва улар архив иши ва иш юритишини ташкил қилиш фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлди[9]. Архив ташкилотларининг ўша даврдаги асосий вазифаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий, амалий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ҳисобланган. Улар тарихий ҳужжатларни давлат сақловига танлаб олиш, сақланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун архив ташкилотлари ҳужжатлар қимматдорлигини экспертиза қилишга ва улар билан давлат архивларини бутлашга катта эътибор берилган[9].

Мустақиллик йилларида «Ўзархив» агентлиги томонидан архив ишининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу дастурлар қўйидаги йўналишлар бўйича тузилган ва беш йилга мўлжалланган: ҳужжатларни идоравий сақловини таъминлаш, уларнинг давлат ҳисоби ва илмий-маълумот аппаратини такомиллаштириш, архив ҳужжатларидан фойдаланишини жадаллаштириш. 2010 йил 15 июнь қуни —Архив иши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди[2]. Қонуннинг қабул қилиниши республикамизда архив ишига давлатимиз томонидан эътибор янада ортиб

бораётганлигини бир тимсоли бўлди. Қонун нафақат давлат архивлари мутахассислари, балки республикамизда фаолият юритаётган ташкилотлар, муассасаларнинг архив иши ва иш юритиш бўйича масъул ходимлари архив ҳужжатларини бутлигини сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича жавобгар эканлигини белгилаб берди. Бунинг боиси, албатта, ҳужжатлар энг аввало ташкилотлар, муассасалар фаолиятида шакланади, йиғма жилд ҳолига келтирилади, ташкилот бўлим ва бўлинмаларида, идорада ажратилган алоҳида архив хонасига жойлаштирилиб, архив муассасасига топширилгунга қадар сақланади. Шунинг учун давлат архивининг ҳужжат сақловчи мутахассисларига уларни сақланиши бўйича қандай талаб қўйилса, ташкилотлардаги иш юритувчилар ва архив учун масъул ходимларга ҳам шундай талаб қўйилади. Қонун қабул қилингандан кейин, айниқса, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг архивлар фаолиятига эътибори ортди. Чунки, мазкур қонуннинг 8-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг архив иши бўйича ваколатлари белгиланган бўлиб, унда Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган давлат архивлари ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг сақланиши учун лозим даражадаги шарт-шароитларни таъминлаш, Миллий архив фонди таркибига киритилган, тегишли ҳудудда жойлашган архивлар ва идоравий архивларда турган архив ҳужжатларининг ҳолати устидан давлат назоратини амалга ошириш, тегишли ҳудуддаги давлат архивларини молиялаштириш микдорини ўз ваколатлари доирасида белгилаш кўрсатиб ўтилган. Архив муассасасаларининг вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорлиги ривожланиб, архив мутахассислари бошқарув идоралари архивларни ташкил қилишда, ҳужжатларни архивга топширишга тайёрлашда ҳам амалий, ҳам услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Вилоят, шаҳар, туман ташкилотларини ҳам архив ишига эътибори йилдан йилга яхшиланиб, такомиллашмоқда. Ташкилотлар масъул ходимларининг архивларга йиғмажиллар номенклатураларини тушиб бериш, архив иши ва иш юритиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича мурожаатлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда ҳам архив мутахассислари олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, архив биноларини ҳолатини ўрганиш, хатловдан ўтказиш ва архив муассасаларини замонавий, қулай шарт-шароитларга эга бўлган бинолар билан таъминлаш, таъмирталаб бўлган биноларда таъмирлаш ишларини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Қонунда республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти инобатга олиниб, Миллий архив фонди тушунчаси ва уни архив ҳужжатлари билан

мунтазам равища жамланиб боришини таъминлаш борасида янги тартиблар киритилди[2]. Қонуннинг 14-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлатга тегишли ва давлатга тегишли бўлмаган қисмлардан ташкил топган бўлиб, унга киритилган архив хужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмиdir ва уларнинг сақлов муддати чекланмаган, яъни доимий сақланади. Хусусан, нодавлат корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив хужжатлари, шунингдек жисмоний шахсларнинг шахсий архив хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини ташкил этади. Алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, агар фуқаро томонидан давлат архивига топширилаётган хужжатлар тарихий, маънавий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлса, бу хужжатлар шахсий фонд сифатида расмийлаштирилади ва сақлов билан боғлиқ тўлов олинмайди. Алоҳида кимматли ёки ноёб хужжат топширилган ҳолларда, аксинча, архив фуқародан давлат томонидан белгиланган нарҳда сотиб олиши ҳам мумкин. Нодавлат архив фондининг хужжатлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг хусусий мулки сифатида ўзида сақланаётган архивлар юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан берилиши мумкин бўлиб, улар архив хужжатларининг асралишини таъминлаш мақсадида улардан фойдаланишни чеклашлари мумкин.[2]

Мамлакатимизда архив соҳасига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг натижасида Республикамиздаги вилоятлар ва туманларда идораларро хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб хужжатлари архивлари архив хизмати кўрсатиш учун қулай шарт-шароитларга эга бўлган мослаштирилган биноларга эга бўлди. Давлат архивлари замонавий компьютер технологиялари билан тўлиқ жиҳозланди. Интернет, электрон почта алоқаси, электрон хужжат алмашинуви йўлга қўйилди. Бу албатта архив соҳасини янада жадал фаолият юритишига замин бўлади.

Бугунги кунда архив ишини бошқарув давлат органи Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Ўзархив" агентлиги ҳисобланади. Унинг тизимиға Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри худудий бошқармалари, уларнинг қарамоғидаги давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ҳамда марказий давлат архивлари киради. Юқорида қайд этилган архив ташкилотларига архивларни бутлаш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳисобланган республика халқларининг ўтмиш тарихи тўғрисидаги хужжатли ёдгорликларни жамият ва фуқаролар манфаати учун сақлаш ва фойдаланиш каби давлат мажбуриятлари юкланганди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон

Республикасида 80 дан ортиқ давлат архивлари бўлиб, уларда 6 млн. йиғмажиллардан зиёд ҳужжатлар асраб-авайлаб сақланмоқда. Бу ҳужжатлардан тарихчилар, тадқиқотчилар, талабалар ва бошқа мутахассислар илмий, маданий-маърифий ишларда кенг фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришгани ҳар томонлама миллий тикланишга, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, архив ишида ҳам туб ўзгаришларга кучли туртки берди. Республиканиң бозор муносабатларига ўтиш шароитида архив ҳужжатларини йиғиш ва идоравий сақлашни ташкил этишда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар, асосан, давлат муассасаларининг идоравий архивлари билан бир каторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари архивларини ташкил этиш ва айрим ҳолларда нодавлат нотижорат ташкилотлари архив ҳужжатларини давлат сақлашига қабул қилиш билан боғлиқ эди. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида Ўзархив томонидан архив ишининг асосий йўналишлари: ҳужжатларни идоравий сақлаш, ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва илмий маълумотнома аппарати, архив ҳужжатларидан фойдаланишни фаоллаштиришни такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Архив муассасалари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳужжатларни йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишда услубий ёрдам кўрсатилиб, пуллик хизматлар кўрсатилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз хоҳишлирага кўра архив фондларини Миллий архив фондига ўтказишлари мумкин эди. Давлат архивлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг архив фондлари ҳужжатларининг қиймати экспертизадан ўтказилгандан сўнг қабул қилинди. Шунингдек, улар архив фондини давлат архивига вақтинча, жумладан, депозитарий сақлаш учун топширишлари мумкин эди[10].

Ўзбекистонда архивларнинг пайдо бўлиши унинг уч минг йиллик давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ. Қадимги жаҳон маданиятининг манбаларидан бири бўлган Ўрта Осиёда давлатчиликнинг шаклланиши ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши билан кечди ва бу мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида ўз ифодасини топди. Маълумки, ёзувларнинг пайдо бўлиши аста-секин архив ишларининг шаклланишига олиб келди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ахборотга бўлган талабнинг ортиб бориши архив ишларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Ўрта Осиё ҳукмдорларининг ҳозирги кунгача сақланиб қолган архивларида баъзи мукофотлар,

солиқлар йиғиши тұғрисидеги маълумотлар, солиқлар тұлаш ёзувлари, турли хўжалик ёзишмалар ва хужжатлар нусхалари ёки бошқа маълумотлар камдан-кам учрайди.

Архивлар фаолияти күплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотларда кўриб чиқилган. Улар архив ишининг назарий ва услубий асосларини ўргандилар.

Архивлар фаолияти Т.Парсонс томонидан тузилмавий-функционал таҳлил методологияси асосида текширилди. “Бу жараён содир бўлаётган тизимнинг асосини ташкил этувчи йўналишларнинг таркибий элементларининг моҳиятини аниқ ойдинлаштирмасдан, динамик жараёнларни ижтимоий вазиятнинг ўзига хос хусусиятини комплекс таҳлил қилишга интилиш, – деб таъкидлайди социолог[11]”.

Т.Парсонснинг фикрича, ижтимоий тизим ўз ҳаётини таъминлаш учун маълум ресурсларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тизим шахсларни ижтимоийлаштиришнинг маълум бир жараёнини ривожлантириши керак, яъни, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ишлашга имкон берадиган маълум билимлар, меъёрлар ва қадриятлар тизимини улар томонидан ўзлаштириш демакдир. Архив фаолияти тизим сифатида бу мақсадга эришиш учун катта ижтимоий салоҳиятга эга, чунки у муҳим ижтимоий функциялардан бири - ижтимоий ва тарихий хотира функциясини амалга оширади. Бундан ташқари, архив тизими ўзининг алоҳида нормалари ва қадриятларига, фаолиятнинг муайян ташкил этилиши ва институционал воситаларига ҳам эга ҳисобланади. Техник даражада функциялар ижтимоий муносабатлар тизимидағи ижтимоий позициялар томонидан амалга оширилади. Тизимни мослаштириш функциялари "мижоз" ёки архив хизматлари истеъмолчисининг ижтимоий роли билан амалга оширилади. Архив тизими мижозларини ўзаро муносабатлар шаклига қўра ажратиш, яъни: архив муассасаларини сотиб олиш манбалари бўлган ва ўз хужжатларини сақлаш учун тақдим этадиган жисмоний ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Муайян ижтимоий хизматларни олувчилик (архив маълумотномалари, архив хужжатларининг нусхалари ва бошқалар)ни мижозларнинг биринчи тоифасига киритсак, мижозларнинг иккинчи тоифасига эса ижтимоий-ҳуқуқий характердаги маълумотнома олишга муҳтож фуқаролар ҳам, тарихий хужжатлар (ташкилотлар тарихини акс эттирувчи хужжатлар, фотосуратлар ва бошқалар) нусхаларини тақдим этиш учун архивга мурожаат қилган муассаса ва ташкилотларни ҳам киришимиз мумкин. Архив тизимининг мижозлари журналистик материалларни тайёрлашда эксперт изоҳларини сўраган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам бўлиши мумкин.

Биринчи даражадаги мақсадни белгилаш функцияси зарур билим, күнкіма ва касбий малакани таъминлайдиган архивчининг ижтимоий роли билан амалга оширилади. Техник даражадаги интеграция функциялари архив иши билан боғлиқ масалаларда ваколатли худудий, мінтақавий янгиликлар, хусусий архивларнинг "мутахассислари" архивчиларининг, шунингдек фуқаролик жамияти вакилларининг ижтимоий роли ёрдамида амалга оширилади.

Архив иши тор бўлиб туулганига қарамай, институционал таҳлил нуқтаи назаридан ушбу ижтимоий бошқарув институти жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, келажак авлодлар учун тўпланган билимларнинг сақланишини таъминлайди. Ижтимоий бошқарувда архивлар ижтимоий институт сифатида ўзига хос алоҳида функцияларга эга.

Техник даражадаги кечикиш функциясини "реставраторлар" нинг ижтимоий роли - хужжатларни сақлаш, уларни тиклаш, дезинфексия қилиш ва бошқалар учун масъул бўлган архив муассасалари ходимлари бажаради. Айнан реставраторлар архив тизимининг ижтимоий бирлиги сифатида архив хужжати бланкасининг сақланишини таъминлайдилар.

Бошқарув даражасида архив тизими тарихий фактлар, хабарлар ва авлоддан-авлодга ўтадиган ўтмиш воқеалари ҳақидаги мулоҳазалар билан тарихий хотирани шакллантириш институти сифатида фаолият кўрсатади.

Архив тизимини бошқарув даражасида асос сифатида хизмат қиласиган бирлаштириш функцияси "ижтимоий хотира" орқали амалга ошади. Ижтимоий хотира алоҳида ижтимоий гурухларнинг эҳтиёжларини акс эттирувчи хужжатлаштирилган билимлар мажмуаси сифатида қаралади (масалан, иш ҳақини тасдиқлаш тўғрисидаги сўровлар ва бошқалар). Шундай қилиб, "ижтимоий хотира" тушунчаси "тарихий хотира"дан фарқли равишда одамларнинг кундалик амалиётини ўз ичига олади. Ҳар бир янги авлод ўзининг бевосита аҳамиятини йўқотган тарихий меросдан қайси бирини асраб-авайлаш, нимани "унутиш" ва сақланганларидан қайси бирини янги сифатда фойдаланишини танлаш билан дуч келади. Ўтмиш ҳақидаги ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни танлаш ва ундан ҳозирги ва келажак эҳтиёжлари учун фойдаланиш мезонлари муаммоси шундан келиб чиқади.

Тадқиқотчи Е.В.Булюлинанинг фикрига кўра, архивлар ижтимоий хотиранинг энг қимматли қисмидир, чунки улар ҳужжатларни сақлаш, жамият ҳаётининг энг чукур томонлари ҳақидаги маълумотларни жамлаш учун чидамли, мустаҳкам тизим

қилибмаксус яратилган. Архивларнинг интеграция функциясини амалга оширган натижасида архив тизими учун ижтимоий узлуксизликни таъминлади[12].

Архивлашнинг ўзига хос объектлари ва ўрганиш предмети мавжуд. Архивлаш назариясининг объектлари қўйидагилардир:

- қоғоздаги матнли ҳужжатлар;
- илмий-техникавий ва кинофотография ҳужжатлари;
- овозли ёзувлар;
- архивларда сақланадиган ва сақланиши керак бўлган турли хил ташувчилар (материаллар)даги микрофилмлар ва бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатлар билан илмий ишлашнинг қўйидаги тамойиллари ва усуллари архив иши назариясини ўрганиш ва ривожлантириш предмети ҳисобланади.

Архив ҳужжатларини ўрганиш асослари қўйидагилардан иборат:

- тарихийлик, холислик тамойиллари;
- ҳар бир ҳужжатни чукур таҳлил қилиш - ҳам унинг мазмуни, ҳам ҳақиқий яратилган вақти, муаллифлиги, табиати, яратилиш мақсади ва бошқалар.

Архившунослик назариясида миллий архив фонди, архив, архив ҳужжати, йиғиш, архив фонди, маблағ билан таъминлаш, тарихий маълумотнома, таснифлаш, тизимлаштириш, сақлаш муддати, ҳисоби, ҳужжатлар қийматининг экспертизаси каби тушунчалар кўлланилади. архивларнинг илмий ва маълумотнома аппарати, режалаштириш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва бошқалар. Ушбу тадқиқот жараёнида биз ушбу атамаларни якуний малакавий ишнинг параграфлари жойлашган жойига қараб аниқлаймиз.

Архив ҳужжати жамият ёки мулк эгаси учун муҳимлиги сабабли сақланиб қоладиган ёки сақланиши лозим бўлган маълумотларнинг қимматли моддий ташувчиси ҳисобланади. Бу ким учун қимматли деган савол туғилади: агар у бутун жамият учун тарих, маданият, илмий фикр ёдгорлиги бўлса, у тарихий аҳамиятга эга ҳужжат, архивда сақланса, фақат шахсга тегишли бўлса, шахсий, оилавий қимматли бўлса оилавий архив деб юритилади.

Давлат архивлари – архив ҳужжатларидан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадида уларни тўплаш, сақлаш ва тартибга солиш билан шуғулланувчи муассасалардир. Давлат архивларида энг қимматли архив ҳужжатлари доимий (яъни абадий) сақланади. Давлат архивларининг асосий вазифаси маънавий меросимиз учун қимматли бўлган ҳужжатларни

сақлаш, уларни келажак авлодларга етказиш учун хизмат қилишдир. Шунинг учун давлат архивлари баъзан тарихий деб аталади.

Идоравий архивлар - бу бўлимларнинг ҳужжатларини сақлайдиган ва уларнинг ишини ахборот билан таъминлаш учун фойдаланишни ташкил этадиган муассасалар ёки бўлимларнинг таркибий бўлинмалари. Архив ҳужжатларининг энг қимматли қисми бўлимда сақлаш муддати ўтгандан кейин доимий сақлаш учун давлат архивига топширилади.

Мамлакатнинг барча архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондини ташкил этади – бу унинг ҳалқларининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган ҳамда ажралмас ҳужжат бўлган ҳужжатлар мажмуи, ҳалқимиз тарихий ва маданий меросининг бир қисмидир.

Архив ташкилотларида, идораларида давлат хизматларини кўрсатиш ушбу тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши лозим[1]” деб белгилаб қуйилган. Мулк шаклидан қатъий назар корхона ташкилотларда яратилган ҳужжатлар сақлаш вақти тугагач давлат архивларига келиб тушади. Айнан мана шу ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, уларни сақлаш архивларнинг зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил якунлари ва 2018 йилнинг устивор вазифаларига бағишлиланган ялпи мажлисида давлат хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда муассасалар шу жумладан, архивларнинг фаолиятига ҳам тўхталиб “улардаги узундан узун навбатлар улар кўрсатаётган хизматлар замон талабларига мос келмаслиги сабабли тизимни ислоҳ қилиш хақида таклифлар бериб ўтди. Бугун ҳаётнинг ўзи профессионал, тезкор ва самарали давлат хизматларини ташкил этишни талаб қилмоқда[3]”.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки давлат архивларида бугунги кунда сақланаётган ҳужжатларнинг сони тобора ортиб боряпти. Шунинг учун архивларимизда сақланаётган ҳужжатларни рақамлаштириш, бу орқали эса хизмат қўрсатиш тизимини ислоҳ қилишга эриши мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2018 й. 8 б.
2. Ўзбекистон “Архив иши” тўғрисидаги Қонуни. 2010 й. 15 июн.  
<https://lex.uz/docs/1645540>
  3. Ўзбекитсон Республикаси Президентининг расмий сайти. <https://press-servis.uz/uz>
  4. Абдурахмонов М. Стратегик менежмент усуллари асосида миллий архив ишини бошқаришни такомиллаштириш. Иқт. Фан. Фал.док.авторефрат. 2019.
  5. Исақов М. Алимова Р Архившунослик. Ўқув қўлланма . Т.: 2017 Б-15, 6-87, 88
  6. Эрназаров Ф.Н 19-20 асрларда Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Тарих фан. Дисс. Автореферати. 2005 й.
  7. Мансуров У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Тарих. фан. фал.док. дисс.автореферати.2018й.
  8. Чориев Ш Ўзбекистон Республикалари давлат архиви жамғармалари – Туркистон АССРда иқтисодий жараёнларни ёритувчи манба сифатида тарих фан. фал.доктори диссер2018 й.
  9. Нарманов Ф. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маданий-маърифий муассасаларнинг ўрни. Тарих. фан. фал.док. дисс.автореферати.2020 й. 49 б.
  10. Парсонс Т. О структуре социального действия / под общ. ред. В.Ф. Чесноковой и С.А. Белановского. – М.: Академический Проект, 2002. С 68
  11. Парсонс Т. Система координат действия и общая теория систем действия: культура, личность и место социальных систем // Американская социологическая мысль: Тексты / под ред. В. И. Добрењькова. – М.: Издание Международного университета бизнеса и управления, 1996 с 24
  12. Булюнина Е.В Актульные проблемы архивоведение. Волгоград. 2008 г. С- 12 .
  13. Tojaliyev, A. A. (2019). The necessity of using innovations in new developing process higher education. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 132-136.
  14. Tojaliyev, A. A. Perfection of bachelor degree students training in the conditions of innovative development. *Published European Journal of Business Social Sciences (EJBSS)*, 7, 133-141.
  15. Абдумаликов, А. А. (2020). VIOLATION OF CONTRADICTION BETWEEN SOCIETY AND NATURE AS A GLOBAL CIVILIZATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(4), 218-224.

16. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.
17. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).
18. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). THE PHILOSOPHICAL BASIS FOR THE FORMATION OF SPIRITUAL MATURITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
19. Sodikjonovich, G. B. (2020). Social and philosophical aspects of family entrepreneurship development. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1228-1234.
20. Khakimov, N. H., & Ganiyev, B. S. (2019). THE ROLE OF STUDYING THE STRATEGY OF ACTION IN CHOOSING A PROFESSIONAL DIRECTION (TAKING INTO ACCOUNT THE FORMATION OF ENTREPRENEURIAL QUALITIES) IN STUDENTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 296-303.
21. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. Chief Editor.
22. Abdurahmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.
23. Nizomiddinov, O. (2021). The Importance Of The Documents Of The Regional State Archive In The Research Of The History Of The Autonomy Of Turkestan. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 53-57.
24. Казаков, С. З. (2019). Социальные факторы формирования представлений о предпринимательстве в Узбекистане. *Социальная политика и социальное партнерство*, (12), 55-63.
25. Nizomiddinov, O. (2021). Establishment of a single state archive fund in the republic of turkistan (on the example of the fergana regional state archive). *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 11(11), 822-825.
26. Муйдинова, М. М. (2020). Архивы Узбекистана в социальном управлении. *Социальная политика и социальное партнерство*, (4), 70-76.

27. Zokirovich, Q. S. (2021). Social factors of entrepreneurship support in Uzbekistan. *ACADEMICA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1502-1507.
28. Козоков, С. З. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(2).
29. Mukumzhanovna, M. M. (2022, March). THE ROLE OF ARCHIVAL ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF SOCIAL MANAGEMENT IN UZBEKISTAN AT THE PRESENT STAGE. In *E Conference Zone* (pp. 13-17).
30. Козоков, С. З. (2020). ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(1).
31. Муйдина, М. М. (2021). АРХИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).
32. Муйдина, М. М. (2020). АРХИВЫ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ В СОЦИАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL 1).